УзССР давлат кутубхонаси
Инв. 10
Гос. книжная палата УзССР
19 ОКТ 1982
ОБМЕНИО

60

4000000 тонна „Оқ олтин" тайёр!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

14 ОКТЯБРЬ 1982 ЙИЛ. ПАЙШАНБА № 234 (2.640). Баҳоси 3 тийин.

60 йиллигига зардор ҳафталиклар СССР

СССРнинг 60 йиллик юбилейига ажойиб меҳнат совғалари тайёрлаш ниятида астойдил меҳнат қилаётган серқуёш республикамиз дала ва фермаларининг меҳнаткашлари совет кишиларига хос ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шонли юбилей шарафига 11 октябрдан бошланган қирқ тўққизинчи ҳафталик социалистик қишлоқларимиз меҳнаткашларига бағишланади.

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

12 октябрь куни Кремлда Совет—Эфиопия музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларни: Совет томонидан —КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов;

Эфиопия томонидан —Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг (МХМК) Раиси, Эфиопия меҳнаткашлар партиясини тузиш Комиссиясининг (ЭМПТК) раиси Менгисту Хайле Мариам, МХМК доимий комиссияси ҳамда ЭМПТК Икроия комитетининг аъзоси, ЭМПТК Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири Берхану Байе, МХМК доимий комиссияси ва ЭМПТК Икроия комитетининг аъзоси, тараққиёт ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампаниясини ўтказиш Олий кенгаши раисининг ўринбосари Аддис Тедла, ЭМПТК Марказий Комитетининг аъзоси, жамоат ва давлат хавфсизлиги министри Тесфайе Вольдеселассие олиб бордилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаларда инон-ишонч билан йўғрилган нафис фикрлашиб олиш практикасидан мамнуний изҳор этилди. Бундай фикрлашувлар томонларнинг иккалла давлат манфаатларига дахлдор воқеалар хусусида бир-бирларини ҳабардор қилиб туришларига имкон беради, биргаликдаги позицияларни ишлаб чиқишга қулайлик туғдиради.

Л. И. Брежнев КПССнинг XXVI съезди тасдиқлаган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш катта программасини Совет Иттифоқи меҳнаткашлари қандай бажараётганликлари тўғрисида, КПСС ва Совет ҳукумати муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга конструктив ёндошаётганлиги тўғрисида ахборот берди. Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини ўтказмоқда, унинг ҳарбий соҳада қилаётган ишлари фақат мудофаа мақсадларга бўйсундирилган, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

Менгисту Хайле Мариам МХМК ҳамда ЭМПТКнинг Эфиопияда революцион ўзгаришларни амалга ошириш борасидаги иши тўғрисида, шунингдек улар Эфиопия халқининг тинч ҳаёти ва меҳнатини таъминлашга, мамлакатнинг миллий суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя этишга қаратилган ташқи сиёсат доирасида ҳал этаётган вазифалар тўғрисида гапириб берди.

Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариам Совет — Эфиопия дўстона муносабатлари юксалиб бораётганлигини қайд этдилар. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тобора чуқур ва хилма-хил бўлиб бормоқда, икки томонлама битим ва ҳаллашувлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Совет томони Эфиопия раҳбарларининг социалистик Эфиопия бугуни ва эртаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган миллий экономикани юксалтириш борасида қилаётган куч-ғайратларига тушуниб қараётганлигини изҳор этди.

Менгисту Хайле Мариам Эфиопияга ҳар томонлама интернационалистик ёрдам ва мадад бераётганлиги учун СССР ҳукумати ва совет халқига Эфиопия халқи номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

КПСС билан ЭМПТК ўртасида мустаҳкамланиб бораётган алоқалар Совет — Эфиопия ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Менгисту Хайле Мариам Эфиопия меҳнаткашлар партиясини тузиш борасида қўйилаётган конкрет қадамлар тўғрисида гапирди.

Халқаро проблемаларни кўриб чиқиш ҳозирги замонининг туб масалалари юзасидан Совет Иттифоқи ва социалистик Эфиопиянинг қарашлари муштараклигини тасдиқлади. Жаҳондаги ҳозирги кескин вазият АҚШ ва иттифоқчиларининг агрессив ҳаракатлари сабабли, уларнинг сиёсатда куч ва тажовуз кўрсатишдан қўпол суръатда фойдаланиш йўлини тутганлиги сабабли вужудга келаётганлиги қайд этилди. Бу ҳаракатларнинг тиғи социализм, шунингдек ривожланаётган мамлакатлар дунёсига, биринчи навбатда капиталистик тараққиёт йўлидан бориши, империалистик монополияларнинг эксплуатация объекти бўлишни хоҳламаётган мамлакатларга қарши қаратилган.

Икки мамлакат раҳбарлари Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқда, Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда қонли можаролар чиқараётган империализм, реакция ва янги мустамлакачиликнинг халққа қарши йўлига барча тинчликсевар мамлакатлар ва халкларнинг бирлиги ва бирдамлигини, уларнинг ядро фалокатининг олдини олиш, ўзларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя этиш истакларини қарши қўйиш зарур деган қатъий ишонч билдирдилар.

Музокараларда Африкадаги ишларнинг аҳволига катта ўрин берилди.

Музокараларнинг қатнашчилари Африка мугузида ички ишларга аралашмаслик, территория даъволаридан воз кечиш, низоли масалаларни сиёсий воситалар билан бартараф этишга тайёр туриш мажбуриятларини ўз ичига олувчи ҳаммага маълум принциплар асосида яқин қўшничилик ва ҳамжиҳатлик вазиятини вужудга келтириш изчил йўлида эканликларини табрикладилар.

Иккала томон қитъанинг жанубидаги аҳволдан жиддий ташвишда эканлигини изҳор этди, ҳамда БМТнинг Намибия мустақиллигига, Жанубий Африка Республикасининг ирқчи режими уни қонунга хилоф равишда оккупация этиб туришини тўхатишга таллуқли қарорлари тўла ҳажмда ҳеч кечиктирмай амалга оширилмоғи зарурлиги таъкидланди. Ангола Халқ Республикаси ва Мозамбик Халқ Республикаси билан, Жанубий Африка режимининг агрессия ҳаракатларига дучор бўлаётган Африкадаги бошқа давлатлар билан, шунингдек Жанубий Африка халқининг ирқий зулм ва шармандали апартеид системасига қарши кураши билан бирдамлик таъкидланди.

Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариам империалистик доираларнинг Африкадаги мамлакатларни бир-биридан ажратиб юборишга уринишларини қоралардилар. Қитъа мустақил мамлакатларининг туб манфаатларини ҳимоя қилишга даъват этилган коллектив орган сифатида Африка Бирлиги Ташкилотини мустаҳкамлаш, у билан ҳамкорлик қилиш—янги мустамлакачилик, ирқчилар ва уларнинг ҳомийларининг хатарли кирдикорларини барбод этувчи муҳим омилдир.

Музокараларда Исроилнинг Ливанга қилган ҳужуми, у ерда агрессор АҚШнинг йўл қўйиб бериши орқасида Фаластин ва Ливан халкларига қарши қилган вахшийликлар қатъий қораланди. Совет Иттифоқи ва социалистик Эфиопия Яқин Шарқдаги аҳволни ҳақиқий бартараф этиш иши, аввало, Исроил босиб олган ҳамма араб территорияларидан унинг қўшинлари олиб чиқиб кетилишини ҳамда фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари таъминланишини, шу жумладан унинг ўз мустақил давлатини тузиш ҳуқуқи эътироф этилишини тақозо қилишига аминдирлар.

АҚШнинг Ҳинд океанидаги хатарли ҳарбий ҳаракатларидан ташвишланиш изҳор этилди. Бу ҳаракатлар тинчлик ва халқаро хавфсизликка жиддий хатар солади. Музокараларнинг қатнашчилари соҳил бўйи мамлакатларининг Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватладилар ва БМТ қарорларига мувофиқ Ҳинд океанига бағишланган халқаро конференция ўтказиш муҳимлигини уқтирдилар.

Менгисту Хайле Мариам ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг яқинлашиб келаётган 60 йиллик юбилейи муносабати билан МХМК ва ЭМПТК номидан, Эфиопия халқи номидан Л. И. Брежневга, КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукумати ва барча совет халқига самимий қутлов ҳамда коммунистик жамият қуришда янги-янги муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

12 октябрь куни Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Битимни: КПСС номидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев; ЭМПТК номидан —Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси ва Эфиопия меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам имзоладилар.

Ҳужжатни имзолаш чоғида:

Совет томонидан — А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг Раислари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар;

Эфиопия томонидан — МХМК Доимий комитетининг аъзоси, ЭМПТК Икроия Комитетининг аъзоси Берхану Байе, МХМК Доимий Комитетининг аъзоси, ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси Аддис Тедла, ЭМПТК Марказий Комитетининг аъзолари Тесфайе Вольде Селассие, Алему Абебе, Фасика Сиделиль, Сейом Мекконен, Несибу Тайе, Менгисту Гемечу, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

Зафар маррасини эгаллаган қўрқ Оқолтин районидаги «Андижон» совхози пахтакорлари янада гайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик октябрь ойи биринчи ўн кунлиги якуни бўйича социалистик мусобақа голиби деб топилди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

Чўлқувар заршунослар мавсумни юксак суръат, аъло сифат билан ўтказиш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Теримнинг дастлабки кунлариданоқ шу жанговар шиор остида меҳнат қилинди. Терим агрегатлари юксак унум билан ишлатилиб, ҳар куни йиллик планнинг 7—8 процента миқдорида пахта тайёрлашга эришилди. Матонатли механизаторлар ўз сўзларини амалда исботладилар. Шу кунгача топширилган ҳосилнинг 96 проценти «зангори кема» бункерларидан бўшатилди. Йиллик план 20 иш кунида ошириб адо этилди. Эл хирмонига эса салкам 13 минг тонна чўл дурдонаси етказиб берилди.

— Пахтакорларимиз бу ғалабадан беҳад руҳланган ҳолда йиғим-терим ишларини тобора қизитмоқдалар,—дейди совхоз директори Омон Одилов. —Далаларда барча техника воситаларидан юксак унум билан фойдаланилянти.

Совхоз пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиб олишга қарор қилганлар. Кўпгина илғор бўлим ва бригадаларда 40 центнерлик марра учун курашиляпти. Асанбой Холиқов бошлиқ бўлим коллективи шу йилнинг ўзида ҳосилдорликни 10 центнерга ошириш мажбуриятини қабул қилган.

— Ҳозиргача 35 центнердан юқори сифатли пахта йиғиб олдик, — дейди бўлим бошқарувчиси.

Чўлқуварлар даласида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Совхознинг Абиш Аҳмедов, Қувват Ўришов, Норбой Жойноқов бошлиқ бригадалари коллективлари 40—45 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Пахтазорда 120 дан ортиқ терим машиналари ишлатиляпти. Шу кунгача эса ҳар бир машина билан 140 тоннадан ошириб «оқ олтин» териб олинди. Мавсумни юксак суръат билан ўтказаётган илғор механизаторлар шу кунгача 180-200 тоннадан пахта тердилар. Усеин Акберднев, Очил Ҳанқулов, Мадамин Ўрмонов каби ўнлаб механизаторлар ана шундай кўрсаткичга эришдилар.

Совхоз пахтакорлари СССРнинг шонли 60 йиллик тўйини пахтадан улкан хирмон уйиш билан қарши олишга аҳд қилишган. Улар бу йил умумий ҳосилни 15 минг тоннага етказиш, пахтанинг 90 процентини юқори сифатларга топшириш ниятн билан астойдил меҳнат қилишяпти.

Н. ТЎРАЕВ.

Суратда: илғор механизатор Холмат Жўраев, бўлим бошқарувчиси Асанбой Холиқов, совхоз директори Омон Одиловлар пахтазорда ҳосил чўтини чамалаб кўришмоқда.

Автор фотоси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ТОШКЕНТ, ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИ ПРЕЗИДИУМИГА

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлиси қатнашчиларини қизғин табриклайман ва ташкилотингизнинг 25 йиллик юбилейи муносабати билан самимий қутловлар йўллайман.

Шуни қайд этиб ўтиш қувончлики, сизларнинг ташкилотингиз ўз фаолиятининг чорак асри мобайнида ҳамжиҳатликни, бирдамликни мустаҳкамлаш ҳамда тинчлик, озодлик, мустақиллик, социал тараққиёт ва демократия учун, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашда Осиё ва Африка халқларининг бирдамлигини, куч-ғайратларини ва ҳаракатларини жипслаштиришда ибрат олижаноб ишда муҳим роль ўйнади. Сизларнинг ташкилотингиз тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, империалистик кучлар ҳамда бошқа реакцион кучларнинг агрессив муддаоларига қарши ўзининг изчил кураши билан планетамиздаги миллионлаб кишиларнинг, шу жумладан монгол халқининг миннатдорчилиги ва чуқур ҳурматига сазовор бўлди.

Шу нарса диққатга сазоворки, ташкилотингизнинг юбилей тантаналари халқи узоқ давом этган қонли уруш да фашизмнинг қора кучлари устидан ғалаба қозонган ва улуғ кўп миллатли давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилишга зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда ҳозирлик кўраётган мамлакатда ўтмоқда.

Халқаро вазият кескинлашган ҳозирги пайтда ер юзидаги барча халқлар учун қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш, уруш хавфини бартараф этиш, ялпи тинчлик ва халклар хавфсизлиги йўлида сабот билан кураш олиб боришдан кўра муҳимроқ ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа йўқ.

Планетамизнинг энг катта қитъаси —Осиёдаги вазият жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солмоқда. Бу қитъада ялпи тинчлик учун хатарли бўлган кўпдан-кўп кескинлик ва можаро манбалари ҳамон мавжуддир. Яқин Шарқда тангликни яна ҳам кўпроқ чуқурлаштириб юборган Ливандаги ҳозирги фожиали воқеалар бунга яқол мисол бўлади.

Шундай бир шароитларда қудратли ақл-идрок овози, холис ниятли барча қишларнинг актив ҳаракатлари ялпи тинчлик тақдири учун, халқларнинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқи учун ҳар қачонгидан кўра катта аҳамият касб этмоқда.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти, икки қитъанинг прогрессив жамоатчилиги тинчлик ишини ҳимоя қилиш, инсониятни ядро ҳалокати хавфидан қутқариш учун биргаликдаги куч-ғайратлар ва ҳаракатларни янада активлаштирадилар, деб ишонч билдираман.

Осиё ва Африка халклари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлисининг ишида, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва ялпи хавфсизликни сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлаш учун, халқлар озодлиги, мустақиллиги ва социал тараққиёти учун курашда катта муваффақиятларга эришувингизни астойдил тилайман.

Ю. ЦЕДЕНБАЛ,
МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси

«АСАЛЧИЛИК» КООПЕРАТИВИ

Хоразмда асалчилик область бирлашмаси тузилиши Орол яқинида беда, қора буғдой ва бошқа бир қанча асал гулли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини икки ҳисса ошириш имконини берди. Саккизта ихтисослаштирилган совхоз шу бирлашмага кирди. Янги корхонани тезрок оёққа турғизиш учун область хўжаликлари унинг ҳисобига пай взноси тўладилар. Бундан буён ишни шундай олиб боришга аҳдлашилди: бирлашма «чанглатиш цехи» ролини ўз зиммасига олади. Хўжаликлар эса бу иш учун ўз ихтиёридаги асал гулли экинзорлар майдони ҳисобидан ҳақ тўлайди.

Бирлашмада асаларилари махсус кўчма уйларда кўчириб юриш ташкил этилди. Бир неча мана шундай павильон тракторга тиркалади ва бу ғаройиб поезд далага йўл олади. Механизатор билан асалари боқувчи уларни асаларилар учун қулай жойларга кўядилар. Бундай ҳаракатчанлик кўп, шу жумладан иқтисодий самара беради. Асаларларни кўчиришнинг пухта ўйлаб тузилган системаси туфайли ҳар бир асалари оиласининг маҳсулдорлиги тўрт баравардан зиёд кўпайди.

Бирлашмада асални катакларга расамади билан жойлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу иш... асаларининг ўзига топширилди. Уяларга чоғроқ тўртбурчак ромчалар қўйилади, улар тўлгандан кейин олиниб, оқ пластмасса халталарга жойланади ва шу тарзда (бир килограммгача вазнда) магазинларга жўнатилади.

Орттирилган тажриба хоразмлик асаларичиларнинг Бутуниттифоқ конкурсида сурункасига иккинчи марта ғалаба қозониш имконини берди. Ўтган мавсумнинг якунларига биноан улар СССР Халқ хўжалиги ютуклари виставкасининг дипломлари билан мукофотланди.

Хоразм области асаларичиларининг иш тажрибасини бағафсил ўрганиш ва кенг жорий этиш мақсадида 13 октябрь куни Ургенчда уч кунлик Бутуниттифоқ семинари очилди. Семинарда мамлакатнинг ҳамма республикаларидан асаларичилик хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Семинарда Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 13 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	1,44	97,31	1,60	94,26
Хоразм	1,22	82,22	1,61	65,47
Бухоро	0,97	78,07	0,79	26,25
ҚҚАССР	1,47	76,68	1,73	59,74
Навоий	1,15	71,95	1,27	42,66
Сурхондарё	1,21	70,42	1,07	46,26
Сирдарё	0,53	67,28	0,26	71,57
Наманган	1,13	61,53	1,07	37,22
Жиззах	0,94	59,56	0,25	60,79
Андижон	1,23	58,63	1,79	31,95
Қашқадарё	1,20	56,83	1,57	36,60
Самарқанд	1,03	56,61	1,42	36,79
Фарғона	1,09	54,79	1,53	30,26
Республика бўйича	1,12	67,32	1,24	49,16
Шу жумладан иккичка толали пахта				
Навоий	3,02	94,12	4,08	49,01
Сурхондарё	1,76	82,11	2,16	64,55
Наманган	0,32	71,16	0,53	8,70
Бухоро	1,45	60,63	—	—
Қашқадарё	1,91	55,50	1,35	24,94
Республика бўйича	1,81	73,11	1,83	47,44

Ҳурмат тантаси

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика Ҳурмат тахтасига ёзилади:

Ғиждувон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳамидов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Толибов**, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Қаҳҳоров**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ҳусенов**, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Бобомуродов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жалилов**;

Ленин йўли райони —район партия комитетининг секретари ўртоқ **Эргашев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Турсунов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жўрақулов**, район сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Пайғамов**, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қудратов**, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ **Тўраев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Холиқов**.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТАГАНКАДАГИ МОСКВА ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳридаги гастролларини муваффақиятли ўтказганлиги, совет театр санъатини пропаганда қилганлиги учун Таганкадаги Москва драма ва комедия театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАИДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1982 йил 13 октябрь.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 12 октябрь куни Катта Кремль саройида Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МХМК) ва меҳнаткашлар партияси ташкилоти комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда Менгисту Хайле Марнам билан бирга унга ҳамроҳлик қилаётган Эфиопиянинг расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, Н. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, СССР Министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи

Ҳурматли ўртоқ Менгисту!

Эфиопиялик азиз меҳмонлар!

Ўртоқлар!

Биз эфиоп халқининг эътироф этилган раҳбари ўртоқ Менгисту бошчилигидаги социалистик Эфиопиянинг олий мартабали намояндаларини Москвада табриклаётганлигимиздан хурсандмиз.

Мана тўққиз йилдирки, қадимий Эфиопия янги, революцион сана билан яшаб келмоқда. Бу йиллар осон йиллар бўлмади. Революцион Эфиопияга қарши империализм ва реакция кучлари жон-жаҳдлари билан ёпириладилар, аммо революция бардош берди. Бардош берибгина қолмай мустаҳкамланиб ҳам олди.

Қисқа муддат ичида мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий қиёфаси ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетди. Жабр-зулм ва эксплуатациянинг кўп асрлик формаларига барҳам берилди, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида реал қадамлар қўйилди.

Янги Эфиопиянинг овози халқаро майдонда, Африка ишларида тобора салмоқли янграмоқда. Эфиопия империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашчиларнинг сафларидан кўзга кўринарли ўринни эгаллади.

Совет Иттифоқи социалистик Эфиопияни муттасил қўллаб-қувватлаб келди ва ҳамон қўллаб-қувватламоқда. Шуниси қувончлики, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида доимо ривожланиб ва чуқурлашиб бормоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссияси ўртасида самарали алоқалар таркиб топди.

Бугун бўлиб ўтган музокаралар позицияларимизнинг кўп жиҳатдан муштараклигини тасдиқлади. Социалистик Эфиопия Совет Иттифоқининг тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи ҳам Эфиопия раҳбарларининг қўшни мамлакатлар билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш борасидаги конструктив тадбирларини табриклямоқда. Совет Иттифоқи ҳам, Эфиопия ҳам ўз сиёсатида тинчлик, социализм, интернационал бирдамлик каби муштарак идеалларга амал қилмоқда.

Дунёдаги ҳозирги вазиятни мураккаб ва хатарли деб гина таъриф лаш мумкин. Бунинг сабаби Америка империализмининг агрессив сиёсати бўлиб, бу сиёсат ўз тили билан Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстликка қарши қаратилгандир. Вашингтон бу сиёсатни ошкора эълон қилмоқда.

Лекин империализмнинг янги «салб юриши» бундан ҳам кенгроқ сиёсий ва ҳатто географик жиҳатлари ҳам бор. Бу «юриш» ҳозирги дунёдаги барча эрксевар, бутун тараққийпарвар мамлакатлар ва халқларга қарши қаратилгандир. Вашингтон озод бўлган халқларни орқага улоқтириб ташлашдан, улар узоқ давом этган машаққатли курашда қўлга киритган галабаларни тортиб олишдан, уларнинг жаҳон сиёсатидаги ролини йўққа чиқаришдан бошқа нарсани истамаяпти.

Тарихий жиҳатдан бундай буюк давлатчилик стратегияси маглубиятга маҳкумдир, албатта. Аммо бундай стратегия халқлар тинчлиги ва озодлиги ишига реал хавф солаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

АҚШ ва унинг малайлари Африкада қандай ҳаракат қилаётганликларига назар ташланг, Улар Африка мамлакатларининг суверенитетини поймол этмоқдалар, уларнинг ички ишларига аралашмоқдалар. Преториянинг ирқчи режимини Ангола, Мозамбикка, бошқа давлатларга қарши ҳарбий хуружлар қилишга рағбатлантирмоқдалар. Африкани ҳарбий базалар билан қуршаб олишга интилмоқдалар.

Империалистлар экономика жаҳбасида актив ҳаракат қилмоқдалар. Улар Африка мамлакатларини қарз ботқоғига тобора тортиб уларнинг табиий бойликларини ҳаёсизларча эксплуатация қилмоқдалар.

Хуллас, мана шу бутун сиёсат Африка халқларининг туб манфаатларига қарши қаратилгандир.

Биз аминмизки, Африка мамлакатлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бирлик ва жипсликни намойиш этган тақдирда, улар замонамиздаги барча антиимпериалистик кучларнинг бирдамлиги ва мададига таяна олган тақдирда шу мамлакатларнинг суверенитети ва миллий манфаатларига қилинадиган тажовузларга муваффақиятли равишда зарба бериш мумкин бўлади.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, бизнинг позициямиз равшан ва изчилдир.

Биз Африка миллий мустақиллик қитъаси, тинчлик, яхши қўшничилик ва равнақ топаётган қитъа бўлишига тарафдормиз. Биз мустамлакачилик ва ирқчилик қолдиқлари тезроқ ва батамом тугатилиши тарафдормиз. Жумладан Намибияда ирқчи мустамлакачиларнинг ҳукмронлигига чек қўйиш, унга орзиқиб кутилган мустақиллик —чинакам ва бекамкўст мустақилликни бериш пайти келди.

Совет Иттифоқи Африка сиёсий муҳолифлик майдони сифатида фойдаланишига қатъян қаршидир.

Биз Африка халқларининг ўз қитъасини чет эл ҳарбий базаларидан холос этиш, уни ядросиз зонага айлантириш муддаосини қўллаб-қувватлаймиз.

Маълумки, биз НАТО билан Варшава Шартномасининг раҳбар органлари шу иттифоқларнинг ҳаракат доирасини Осиё, Африка ва Лотин Америкасига ёймаслик тўғрисида баёнотлар бердик, деган фикрда турибмиз.

Пировардида шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, Совет Иттифоқидагилар бизнинг Эфиопия билан қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларимизни юксак қадрламоқдалар.

Эфиопия раҳбарлари миллий экономика ва маданиятни юксалтириш эришиш учун зўр бериб интилаётганликлари бизга тушунарлидир. Ўртоқ Менгисту, Сиз Эфиопия «қўш ҳўкиз билан» социализмга етиб бормайди, деб айтган фикрингизга тўла қўшиламиз. Эфиопия революциясининг муваффақиятларидан биз ҳам астойдил қувонмоқдамиз ва Эфиопия халқига осойишта, бахтиёр ва фаровон ҳаёт қурилишида янги-янги зафарлар тилаймиз.

Азиз меҳмонимиз Ўртоқ Менгисту ва эфиопиялик барча дўстларнинг сиҳат-саломатлиги учун!

Совет Иттифоқи билан социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун! — Қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз.

* * *

Менгисту Хайле Мариам жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Менгисту Хайле Мариам нутқи

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев!

Ўртоқлар!

Даставвал мен шонли ва кўркам Москвада бизга кўрсатилган ҳамда совет халқи бизнинг халқимизга ва Эфиопия революциясига изҳор этаётган ҳис-туйғуларнинг далили бўлган қардошларча қабул ва меҳмондўстлик учун шахсан ўз номимдан ва делегациямизнинг аъзолари номидан астойдил миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Совет Иттифоқига — биринчи пролетар революцияси ва улуғ йўлбошчи Владимир Ильич Ленин мамлакатига яна келиш бизга ғоят зўр қувонч бахш этади. Ҳеч шаксшубҳа йўқки, ушбу визит мамлакатларимиз ўртасида мақсад ва кураш бирлигига асосланган муносабатларни яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлайди.

Эфиоп ва совет халқлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари Эфиопияда революциядан кейин янги характер ва кўлам касб этди. Шу пайтдан бошлаб бизнинг муносабатларимиз дўстлик доиралари билангина чекланиб қолмай, иттифоқчиларнинг ягона мақсад учун курашдаги муносабатлари бўлиб қолди. Эфиопия ва Совет Иттифоқи халқларининг муштарак вазифасидаги асосий жиҳатни ажратадиган бўлсак у ҳолда халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ва тенглик ҳукм сурадиган, эксплуатациядан холи бўлган социалистик жамиятни барпо этиш ана шундай асосий жиҳат бўлади.

Ана шу конструктив мақсадга эришиш учун курашдаги бирликка асосланган муносабатларимиз барча соҳаларда кун сайин кенгаймоқда ва чуқурлашмоқда. Шу жиҳатдан ЭМПТК ташкил этилган пайтданоқ, унинг КПСС билан ҳамкорлиги бошланди, бу эса дўстона муносабатларимизнинг мазмунини бойитди.

Шу боисдан бизнинг сиёсат, экономика, мудофаа соҳалари ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимиз ҳозирги пайтда илҳомбахш марраларга эришганлигини зўр қувонч билан айтиб ўтаман. Биз аминмизки, ушбу визит давомида Совет Иттифоқи партияси ва ҳукумати раҳбарлари билан фикрлашув мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли ривожланиб бораётган ҳар томонлама муносабатларни яна ҳам юксакроқ даражага кўтаради.

Ўртоқ Президент Брежнев!

Ўртоқлар!

Ҳар гал мен ва ўртоқларимиз Совет Иттифоқига келганимизда халқингизнинг муваффақиятларидан қойил қоламиз. Сизларнинг халқингиз Коммунистик партиясининг мустаҳкам раҳбарлигида ўзининг шиҳоатли курашларини туфайли қисқа давр ичида илғари қолоқ мамлакатни космик техника чўққиларигача кўтариб чиқа олди. Бу ютуқлар социалистик жамият барпо этиш учун курашаётган, ривожланаётган мамлакатларга жуда катта маънавий мадад бериб, уларни илҳомлантирмоқда. Биз социализм барпо этиш йўлида куч-ғайрат сарфлар эканмиз, шунга қатъий аминмизки, биз буюк революциялар нинг, даставвал Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тажрибасидан фойдаланиб, олга томон ҳаракатимизни жадаллаштира оламиз. Биз революциямизнинг ютуқларига баҳо бера туриб, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси, ҳамкорлиги ва ёрдами революциямизнинг муваффақиятли ҳамда тез ривожланиши учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини англаймиз.

Ўртоқлар!

Революцион Эфиопия сонсаноқсиз қурбонлар ва қаттиқ курашдан кейин янги, ишончли марраларга чиқиб олди. Мамлакатнинг халқ оммаси демократик ҳуқуқларга эга бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида жамоат ва касаба союз ташкилотларини тузиб, революцион жараёнда тобора кенг иштирок этмоқда, революция ғалабаларини ва мамлакат бирлигини онгли равишда қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, янги натижаларга эришиш учун астойдил курашмоқда ва ишламоқда.

Революциямизнинг энг асосий вазифаларидан бири — меҳнаткашлар партиясини ташкил этиш вазифасини ҳал қилиш имконини берадиган шарт-шароитлар вужудга келаётганлиги туфайли Эфиопия революцияси партия раҳбарлигига эга бўладиган вақт яқинлашмоқда.

Социализм негизларини вужудга келтириш, мамлакатнинг қолоқ экономикасини соғломлаштириш, уни социалистик йўлга ўтказиш ҳамда революциянинг демократик босқичини муваффақиятли тугаллаш учун курашда биз иқтисодий соҳага алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу соҳада иқтисодий ривожланиш ўн йиллик бош планини ишлаб чиқиш борасидаги кўрилаётган тадбирлар катта аҳамиятга эгадир.

Кейинги йиллар мобайнида мамлакатимизда саводсизликнинг батамом тугатишга қаратилган кампания давом этмоқда. Бугунги кунгача ана шу кампания доирасида халқнинг актив иштироки билан салкам тўққиз миллион киши савод чиқариб олди. Эфиопия саводсизликка қарши курашдаги куч-ғайратлари учун халқаро мукофот билан тақдирланди. Ана шу мукофот таниқли коммунист В. И. Ленининг рафиқаси Н. К. Крупская номи билан аталганлиги бизга алоҳида қувонч бахш этади.

Африка Бирлиги Ташкилотининг, БМТнинг, қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлган революцион Эфиопия ана шу ташкилотларнинг принципларига таяниб, тинчликда яхши истагига асосланиб ҳамда яхши қўшничилик сиёсатини ўтказиб ўзининг қўшни ва тинчликсевар мамлакатлар билан муносабатларини конструктив ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат руҳида қуриш учун қатъий қадамлар қўймоқда.

Аммо районимизда тинчликка таҳдид қилаётган ва экспанциячилик йўлини ўтказаётган Сомали раҳбарлари шу кунгача ҳам ўзларининг ғаламислик ниятларидан воз кечганлари йўқ. Бунинг устига шу мамлакатнинг қабилачилик асосида тузилган ҳозирги ҳукумати Сомали демократик кутқариш фронтининг раҳбарлигида эксплуататорлик режимининг жабр-зулмига қарши қўзғолон кўтарган халқни эплай олмай қолиб, гўё Эфиопия агрессия қилди, деган пропаганда мақсадидаги туҳмат кампанияси ниқоби остида мамлакат ичкарисида ҳам, шунингдек халқаро майдонда ҳам афкор оммани чалғитишга уринмоқда. Революцион Эфиопия БМТ, Африка Бирлиги Ташкилоти ва қўшилмаслик ҳаракати принципларига қатъий амал қилиб, бирон-бир мамлакат чегарасини бузмай, балки ўзининг территориал бутунлигини ҳимоя қилиб турган яққол факт билан мутлақо ҳисоблашмаётган АҚШ маъмурияти ўзининг Эфиопия халқига ва революциясига душманлигини намойиш этмоқда. Бу маъмурият Эфиопия халқининг иқтисодий ривожланишга ва социал адолатга эришишга қаратилган куч-ғайратларига ҳарчанд тўсқинлик қилишга уринмоқда. Сомали агрессив ҳукуматини ошкора қуроллантиришни давом эттирмоқда. Бу хилдаги ҳаракатлар районимизда тинчлик ва осойишталикка путур етказиш ҳавфини солмоқдаки, эҳтимол тутилган оқибатлар учун Америка маъмурияти жавобгарликдан қутила олмайди.

Ўртоқ Президент Брежнев!

Ўртоқлар!

Ҳозирги пайтда халқаро империализмнинг авантюризми ва агрессивлиги натижасида тинчлик бизнинг районимиздагина эмас, шу билан бирга бутун ер юзида ҳам хавф остида қолмоқда.

Миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш ҳамда Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги илғор режимларни агдаришга уринишлар, баъзан эса шу мақсаддаги ошкора аралашув; НАТО қўшинларининг тўхтовсиз давом этаётган ҳарбий маневрлари; Европада қўшимча миқдордаги ракеталарни жойлаштириш; Форс кўрфазида ва Ҳинд океанида Американинг мавжуд ҳарбий базаларини кенгайтириш ва янгиларини қуриш; чинакам қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш йўлига доимо ғов солиш-мана шуларнинг ҳаммаси халқаро тинчлик қандай хавф-хатарга дучор қилинаётганлигининг далилидир. Бу хавф-хатар кун сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан тинчликсевар халқаро ҳамкамият ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун, бутун инсониятни ҳалок қилиш хавфини вужудга келтираётган масъулиятсиз империалистик ҳукуматларнинг ҳаракатларига қарши, у бошлаб юборган урушга қарши мислсиз курашни яна ҳам кенгроқ кўламларда авж олдириши керак.

Ғарбий Европада кенг обрў-эътибор ва аҳамият касб этган, ҳар бир мамлакатда жуда кўп тарафдорлар ортирган тинчлик учун кураш ҳаракатини эндиликда Европа давлатлари эътиборсиз қолдира олмайди. Бунинг устига тинчликка қилинаётган даъват бутун планета узра таралиб, уруш оловини ёқувчиларни саросимага солиб қўймоқда. Инсоният бир тўда авантюристларнинг милитаристик сиёсати сабабли ҳалок бўлмаслиги керак. Ана шу авантюрачиларни ҳушига келтириб қўйишга эришиш зарур, тинчлик учун ҳаракатни мустаҳкамлаш керак.

Совет Иттифоқи ўзининг тинимсиз ҳаракатлари билан қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссса ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Революцион Эфиопия Совет Иттифоқининг амалий ташаббусларини, хусусан унинг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини олганлигини ва стратегик қуролларни сифат ва миқдор жиҳатидан қисқартиришга тайёр эканлигини астойдил қўллаб-қувватлайди ҳамда бошқа томон ана шундай холис ниятда эканлигини намоён этиши халқаро тинчликни таъминлашга қўмаклашган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги дунёнинг бошқа проблемалари орасида Яқин Шарқдаги аҳвол алоҳида эътиборни жалб қилмоқда. Исроилнинг Ливандаги агрессияси ва унинг яқинда Фаластиннинг озодлик учун курашчиларига нисбатан АҚШ ҳомийлигида қилган йиртқичликлари кишини ғоят ғазаблантиради. Қочоқларнинг лагерларидаги болалар, хотин-қизлар, қариялар шафқатсизлик билан қириб ташланганлиги бутун жаҳон афкор оммасини ларзага келтирган ҳозирги даврнинг ниҳоятда мудҳиш жиноятидир бўлди. Революцион Эфиопия ана шу шармандали ваҳшиёна ҳаракатларни қатъий қоралайди.

Африка қитъасида ирқчи ЖАР режими намибиялик қочоқларга қарши доимо худди шундай жиноятлар қилиб келмоқда. Ливанда содир бўлаётгани каби Ангола ва Мозамбикка қарши бир неча марта агрессия ҳуружларини амалга оширди. Мана шу бир-бирига ўхшаш ҳуружларнинг ҳаммасини халқаро империализм мувофиқлаштирган бўлиб, халқларнинг озодлигини бўғиб ташлаш мақсадини кўзлайди. Айни шу боисдан ғарб давлатлари Намибия халқининг мустақиллик учун кураши ғолибона тугаши яқинлашаётганлигига халақит беришга уринib, муттасил қуролли фитналар ва сиёсий фитналарни ишга солмоқдалар. Бинобарин, Намибия халқининг чинакам мустақиллигини таъминламоқ учун унинг раҳбар ташкилоти —СВАПОга ҳамда фронт бўйи давлатларига сиёсий соҳада ва бошқа соҳаларда мадад беришни давом эттириш, империалистлар билан ирқчиларнинг кирдикорларини барбод этиш зарур.

Ўртоқ Брежнев!

Ўртоқлар!

Совет Иттифоқи билан революцион Эфиопия тинчлик, тенглик, озодлик ва социализм иши учун биргаликда курашиб, барча йўналишларда ўзаро муносабатларни ривожлантирмоқдалар. Мунтазам визитлар сиёсат, экономика, маданият соҳаси ва бошқа соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, мен шу фурсатдан фойдаланиб Эфиопия —Совет дўстлигига юксак баҳо берганлигингиз учун, ички ва халқаро масалалар билан ниҳоятда банд бўлишингизга қарамай Сиз шу дўстликни мустаҳкамлашга шахсан қатта-ҳисса қўшаётганлигингиз учун Эфиопия халқи ҳамда ҳукматининг Сизга бўлган ҳурмат эҳтироми ва миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман. Дўстлигимизни мустаҳкамлашга Сиз қўшиб келаётган катта ҳисса муносабатларимизни ҳозирги даражага кўтариш имконини берди.

Партияларимиз, ҳукматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам кенгайиб чуқурлаша беришига аминман.

Сўзимнинг охирида бизни самимий қабул қилиб, ўртоқларча меҳмондўстлик кўрсатилганлиги учун яна бир бор ташаккур билдираман.

Эфиопия ва совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги учун, уларнинг равнақ топиши учун!

Ўртоқ Президент Брежневнинг ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги учун!

Пролетар интернационализми ва бутун дунёда тинчлик учун! —Қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариам ўртоқларнинг нутқлари эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

СОВЕТ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Совет тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг қатнашчилари ўн миллионлаб кишилар — ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар вакиллари номидан БМТ Бош ассамблеясининг XXXVII сессиясига мурожаат этиб, ядро уруши хавфини йўқотиш, кризисли вазиятларни бартараф этиш, халқаро муносабатларда ишонч муҳитини қайта тиклаш учун курашга амалий ҳисса қўшишга чақирдилар.

СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили О. А. Трояновский БМТ Бош секретари Х. Перес дэ Куэльярга шу мактуб текстини топшириди. Мактуб бу ерда Бош ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилади.

Бутун инсоннят, дейилади мурожаатда, ҳозир ядровий қуролланиш пойгаси давом этаётганлигидан, қурол-яроғларнинг янги-янги даҳшатли турлари ишлаб чиқарилаётганлигидан беҳад ташвишга тушиб қолди. Одамларни «чекланган» ва «узоқ давом этадиган» ядро урушлари эҳтимоли бор, деган фикрга қўниктирмоқчи бўлмоқдалар, шу урушда ғалаба қозониш мумкин, деб ишонтирмоқдалар. «Бу—ҳаддан ташқари хатарли хомхаёллардир, — деб таъкидланади ҳужжатда. — Кескинликнинг ва милитаристик жазаваснинг тўхтовсиз кучайтирилиши инсониятни ўлим хавфи олдига қўймоқда, чунки ядро уруши бошлангудек бўлса, инсоният цивилизацияси вайрон бўлишини, эҳтимолки, ер юзида ҳаётнинг ўзи йўқ бўлиб кетишини ҳам билдирган бўлур эди».

«Тинчликни қаттиқ туриб сақлаб қолиш мумкин ва лозим»лигинга совет тинчлик тарафдорларининг ишончи комил. Улар планета осмонининг мусаффо бўлишини кадрловчи барча кишиларни биргалашиб ҳаракат қилишга чақирадилар. «Давлатлар ўртасидаги ёки давлат группалари ўртасидаги ҳеч қандай зиддиятли, ижтимоий туғиндаги, фикрлаш тарзи ёки идеологиядаги ҳеч қандай тафовутлар, ҳеч қандай вақтинчалик манфаатлар барча халқлар учун асосий умумий мақсад — тинчликни сақлаб қолиш мақсади йўлини тўса олмаслигига жуда аминмиз», — деб уктирилади мактубда.

Халқларни моддий ва маънавий бойликларни беҳуда исроф қилишга дучор этадиган урушга тайёргарлик эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш — келажак йўлини ёритувчи йўлдуздир, дейилади мурожаатда. Шу маънода Совет Иттифоқи қўйган қадам — ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисидаги тантанали мажбурият бениҳоя муҳимдир. «Холис ният билан қилинган шу ишдан кейин ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатлар ҳам мана шундай қадам қўйишларидан умид қилишга халқлар ҳақлидирлар».

Совет тинчлик тарафдорлари СССРнинг ядро қуроллари тўғрисида Женевада ўтказилаётган музокарадошларини амалий, реалистик позицияда туришга чақирадилар. Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари айни шу мақсадга қаратилган, деб уктирилади мурожаатда. Бу ташаббуслар босқичма-босқич ядровий қуролсизланиш программаси, ядро қуроли синовларини тўхтатиш, бу қуролни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш, химия қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш, космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш, оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш кўзда тутилган.

Мурожаатда БМТ Бош ассамблеясининг XXXVII сессияси ҳозирги замонининг энг муҳим масаласини — ядро фалокати хавфини камайтириш, ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш масаласини ҳал этиш мақсадини кўзловчи ҳужжатларни ишлаб чиқиб, қабул этади, деб умид изҳор қилади.

ДАМАШҚДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия пойтахтида Сурия президенти, Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретари Ҳ. Асаднинг дўстона расмий визит билан Сурияда меҳмон бўлиб турган ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан музокаралари давом этмоқда.

Музокаралар чоғида томонлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва сионизм, империализм ҳамда реакция кучларига қарши турувчи фронтни мустаҳкамлаш учун, жаҳондаги тараққиёт, озодлик ва социализм кучларини жипслаштириш учун бу учрашувнинг муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Исроил Ливанга бостириб кириши натижасида Яқин Шарқда вужудга келган аҳволни муҳокама қилдилар, сионист ваҳшийларнинг Байрутда фаластинликлар ва ливанликларни қиргин қилаётганликларини қоралаб дилар. Қўшма Штатлар агрессорларга ҳомийлик қилганлиги оқибатида ана шундай ваҳшийликни амалга ошириш мумкин бўлди. Томонлар холис ниятли барча кишиларни янги жаҳон урушини бошлаб юборишга интилаётган Рейган маъмуриятининг хатарли режаларига қарши курашда куч-ғайратни бирлаштиришга даъват этдилар.

ҚАТТИҚ ҚОРАЛАНДИ

ЖАЗОИР. Бу ерда визит билан келган Жанубий Африка миллий конгрессининг (АМК) президенти Оливер Тамбо Исроил ҳарбийларининг Ливан диёрида қилган жиноятларини қаттиқ қоралади. Сионист давлатнинг экспансиячилик сиёсати Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг Африка қитъаси шу қисмидаги туб аҳолини жисмоний қириб юборишга қаратилган жиноий йўлидан ҳеч бир фарқ қилмайди, деди у.

Оливер Тамбо дунёдаги тараққийпарвар кучларни Жанубий Африка зиндонларидаги сиёсий маҳбуслар билан бирдамликни мустаҳкамлашга, ирқчилик сиёсатига қарши курашаётган, Жанубий Африка Республикаси халқининг одилона ишини ҳимоя қилаётган кишиларни тезроқ озод этиш учун ёрдам беришга даъват қилди. (ТАСС).

ТЕЛЬ-АВИВ АГРЕССИЯСИНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, (ТАСС мухбири). Швецияда чиқадиган «Афтонбладет» газетасининг саҳифаларида иккита фотосурат босилиб чиқди. Суратлардан бирида келишган ёш йигит табассум билан боқиб турибди. Бу 18 ёшли фаластинлик Салом Қоссим бўлиб, у бундан ярим йил илгари ана шундай ҳушрўй қиёфада эди. Иккинчи расмда эса чандиқ ва куйган қиёфа тасвирланган. Исроил авиацияси Байрутнинг жанубий районларида жойлашган фаластинлик қочоқларнинг Шатила лагерини ваҳшиёна бомбардимон қилгандан кейин Салом Қоссим ана шундай аҳволга тушди.

С. Қоссимни Швеция пойтахтидаги марказий касалхоналардан бирига олиб келишди. Врачлар унга бошқа жойдан тери олиб ёпиштириш орқали пластик операция қилиш билангина ёрдам бераолишлари мумкин. Йигит кўришдан абадий маҳрум бўлди. Башир Муҳаммаднинг ҳам умуртқаси оғир жароҳатланди. У Байрут чеккасида Исроил вертолёти Фаластин Озодлик ташкилоти жангчиларига қарши ёғдирган напалм бомбалардан ана шундай жароҳатланган.

Йигитлар ҳозирги вақтда Исроил агрессияси қурбонларига ёрдам бераётган жамоат ташкилоти — Швеция Қизил крест жамияти йўли билан Стокгольмда касалхонада ётибдилар.

Бу иш ташкилотимиз биринчи ракеталарни жойлаштириш; Форс кўрфазида ва Ҳинд океанида Американинг мавжуд ҳарбий базаларини кенгайтириш ва янгиларини қуриш; чинакам қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш йўлига доимо ғов солиш-мана шуларнинг ҳаммаси халқаро тинчлик қандай хавф-хатарга дучор қилинаётганлигининг далилидир. Бу хавф-хатар кун сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан тинчликсевар халқаро ҳамкамият ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун, бутун инсониятни ҳалок қилиш хавфини вужудга келтираётган масъулиятсиз империалистик ҳукматларнинг ҳаракатларига қарши, у бошлаб юборган урушга қарши мислсиз курашни яна ҳам кенгроқ кўламларда авж олдириши керак.

Ғарбий Европада кенг обрў-эътибор ва аҳамият касб этган, ҳар бир мамлакатда жуда кўп тарафдорлар ортирган тинчлик учун кураш ҳаракатини эндиликда Европа давлатлари эътиборсиз қолдира олмайди. Бунинг устига тинчликка қилинаётган даъват бутун планета узра таралиб, уруш оловини ёқувчиларни саросимага солиб қўймоқда. Инсоният бир тўда авантюристларнинг милитаристик сиёсати сабабли ҳалок бўлмаслиги керак. Ана шу авантюрачиларни ҳушига келтириб қўйишга эришиш зарур, тинчлик учун ҳаракатни мустаҳкамлаш керак.

Совет Иттифоқи ўзининг тинимсиз ҳаракатлари билан қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссса ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги маълум. Революцион Эфиопия Совет Иттифоқининг амалий ташаббусларини, хусусан унинг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини олганлигини ва стратегик қуролларни сифат ва миқдор жиҳатидан қисқартиришга тайёр эканлигини астойдил қўллаб-қувватлайди ҳамда бошқа томон ана шундай холис ниятда эканлигини намоён этиши халқаро тинчликни таъминлашга қўмаклашган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги дунёнинг бошқа проблемалари орасида Яқин Шарқдаги аҳвол алоҳида эътиборни жалб қилмоқда. Исроилнинг Ливандаги агрессияси ва унинг яқинда Фаластиннинг озодлик учун курашчиларига нисбатан АҚШ ҳомийлигида қилган йиртқичликлари кишини ғоят ғазаблантиради. Қочоқларнинг лагерларидаги болалар, хотин-қизлар, қариялар шафқатсизлик билан қириб ташланганлиги бутун жаҳон афкор оммасини ларзага келтирган ҳозирги даврнинг ниҳоятда мудҳиш жиноятидир бўлди. Революцион Эфиопия ана шу шармандали ваҳшиёна ҳаракатларни қатъий қоралайди.

Африка қитъасида ирқчи ЖАР режими намибиялик қочоқларга қарши доимо худди шундай жиноятлар қилиб келмоқда. Ливанда содир бўлаётгани каби Ангола ва Мозамбикка қарши бир неча марта агрессия ҳуружларини амалга оширди. Мана шу бир-бирига ўхшаш ҳуружларнинг ҳаммасини халқаро империализм мувофиқлаштирган бўлиб, халқларнинг озодлигини бўғиб ташлаш мақсадини кўзлайди. Айни шу боисдан ғарб давлатлари Намибия халқининг мустақиллик учун кураши ғолибона тугаши яқинлашаётганлигига халақит беришга уринib, муттасил қуролли фитналар ва сиёсий фитналарни ишга солмоқдалар. Бинобарин, Намибия халқининг чинакам мустақиллигини таъминламоқ учун унинг раҳбар ташкилоти —СВАПОга ҳамда фронт бўйи давлатларига сиёсий соҳада ва бошқа соҳаларда мадад беришни давом эттириш, империалистлар билан ирқчиларнинг кирдикорларини барбод этиш зарур.

Ўртоқ Брежнев!

Ўртоқлар!

Совет Иттифоқи билан революцион Эфиопия тинчлик, тенглик, озодлик ва социализм иши учун биргаликда курашиб, барча йўналишларда ўзаро муносабатларни ривожлантирмоқдалар. Мунтазам визитлар сиёсат, экономика, маданият соҳаси ва бошқа соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, мен шу фурсатдан фойдаланиб Эфиопия —Совет дўстлигига юксак баҳо берганлигингиз учун, ички ва халқаро масалалар билан ниҳоятда банд бўлишингизга қарамай Сиз шу дўстликни мустаҳкамлашга шахсан қатта-ҳисса қўшаётганлигингиз учун Эфиопия халқи ҳамда ҳукматининг Сизга бўлган ҳурмат эҳтироми ва миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман. Дўстлигимизни мустаҳкамлашга Сиз қўшиб келаётган катта ҳисса муносабатларимизни ҳозирги даражага кўтариш имконини берди.

Партияларимиз, ҳукматларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам кенгайиб чуқурлаша беришига аминман.

Сўзимнинг охирида бизни самимий қабул қилиб, ўртоқларча меҳмондўстлик кўрсатилганлиги учун яна бир бор ташаккур билдираман.

Эфиопия ва совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги учун, уларнинг равнақ топиши учун!

Ўртоқ Президент Брежневнинг ва шу ерда ҳозир бўлган ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги учун!

Пролетар интернационализми ва бутун дунёда тинчлик учун! —Қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариам ўртоқларнинг нутқлари эътибор бериб тинг

Мард майдонда синалади

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲАР КУН, ҲАР СОАТДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 4.000.000 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ. УНИНГ ҚАРИЙБ ЯРМИ МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН БЎШАТИЛДИ. 13 ОКТЯБРЬ КУНИГАЧА ТОПШИРИЛГАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА 285.134 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. БИР КУНДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА 66.318 ТОННА БЎЛДИ.

Бу йилги йиғим-терим мавсуми ҳар қачонгидан мураккаб. Об-ҳаво ноқулайликлари қатор қийинчиликлар туғдиряпти. Теримда юксак уюшқоқлик, бой тажриба ва маҳорат кўрсатайлик! Барча резервларни ишга солинг! Теримда жадал суръат, аъло сифатга эришайлик!

ҒИЖДУВОНЛИКЛАР ҒАЛАБАСИ

Ғиждувон райони пахтакорлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар — улар Бухоро областида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажаришди. Давлатга 59 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 20 минг тонна ураглик пахта ва 9 минг тонна ингичка толали пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етди.

Эришилган бу ғалабага Карл Маркс номли, «Коммунизм», Энгельс номли, Садриддин Айний номли, «Зарафшон», Ҳамид Олимжон номли, «Партия XXVI съезди» колхозлари муносиб улуш қўшдилар. Исмат Жўраев, Ҳалим Саидов, Раҳим Шукуров, Мухтор Ориповъ, Жалил Жамолов, Саид Мустақиловлар бошлиқ пешқадам бригадаларда гектаридан 50—60 центнердан ҳосил олинди.

«Зангори кема»ларнинг капитанлари Эркин Ҳайдаров, Зариф Саидов, Қобил Шарипов, Мирза Турсуновларнинг ҳар бири ўз агрегатлари бункеридан 200—250 тоннадан хом ашё тўкдилар. Район деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 50 центнерга етказишга ва қўшимча 21 минг тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

ДАСТЛАБКИ МАРРА

Ленин йўли районида «оқ олтин» бунёдкорлари давлатга 56 минг тонна пахта топшириб, йиллик планни уддалашди. Бунинг 38 минг тоннаси қимматли ингичка толали пахтадир. Ҳар гектар майдон ҳосилдорлиги ўртача 34,5 центнерни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг қарийб 80 процента бункерлардан бўшатилди. Ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унуми 123 тоннани ташкил этди.

Давлатга 16.800 тонна пахта топширган Ленин номли, 14.820 тонна ҳосил топширган Будённий номли совхозларнинг азаматлари эришилган меҳнат ғалабасига салмоқли улуш қўшдилар. Район пахтакорлари СССР 60 йиллиги шарафига юксак мажбурият қабул қилишди: ялпи ҳосил 66 минг тоннага, ипак пахта хирмони 48 минг тоннага етказиладиган бўлди.

ПИСКЕНТЛИКЛАР ЗАФАРИ

Пискент райони заршуносларининг катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар қабул пунктларига 43730 тонна пахта етказиб беришди. Ялпи ҳосилнинг 88 процента машиналар ёрдамида теріб олинди. Ҳар бир гектар ердан ўртача 31,3 центнердан хирмон уйилди. Топширилган пахтанинг барчаси биринчи сортларга сотилди.

Район меҳнаткашларининг бу меҳнат зафарида Свердлов номли, «Узбекистон ССР 50 йиллиги», «Гулистон», Тельман номли колхозлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район пахтакорлари ялпи ҳосилни 55 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

Бухоро

Қоракўл районидаги «Искра» колхози пахтакорлари йиллик топшириқни бажаришди. 1.010 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан хом ашё олинди. Камол Холиёзов, Дурдиқилич Тўраев, Сайфиддин Шамсуддинов, Тўра Шамиев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 45—50 центнерга етди. Кўпмингкилограммчи л а р дан Бувиш Алимова, Зулайҳо Пирнафасова, Хумор Сафарова, Жамила Равшанова қабилар хирмонга 10—12 тоннадан пахта теріб барака киритдилар. Колхоз меҳнат аҳлининг мажбурияти кўшимча 1.150 тонна пахта топширишдан иборат.

Жиззах

Областда ёғингарчиликка қарамай машина терими юксак суръатларда давом этяпти. Айниқса, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Мирзачўл районидаги Абай номли совхозидан СССР Олий Совети депутати Рўёб Маматова, Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозидан СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳурсанд Султоновлар юксак иш унумдорлигига эришяптилар. Уларнинг ҳар бири кунига ўз машиналари билан 5—6 тоннадан пахта теряпти.

Жиззах районидаги Навоий номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой Раҳматов, Жданов номли совхозидан Обид Аҳмедов ва «Москва» колхозидан Пардабой Зиёдов бошлиқ бригадалар пахта тайёрлаш бўйича йиллик планларини адо этишди. Бу коллективларда гектаридан 40 центнердан ва ундан ҳам кўп ҳосил олинди.

Ҳозир кўриқ Жиззах областида 202 та бригада, 48 та бўлим ва 1 та совхоз социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

Самарқанд

Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан Иброҳим Ҳайитов бошчилик қилаётган терим-транспорт отряди Тошкент технологияси асосида иш кўриб, ўтган ўн кунлик якунларига кўра Самарқанд областида биринчи ўринни олди. Отряд ўн кунда 340 тонна пахта топширди, ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми ўртача 4,2 тоннани ташкил этди.

Нарпай маиший хизмат кўрсатиш комбинати йиғим-терим даврида 4 та кўчма пункт ташкил этди. Сартарошлар, фотографлар, кийимларни химиявий усулда тозалаш корхонаси ходимлари, тикувчилар бевосита даланинг ўзида пахтакорларга хизмат кўрсатишяпти.

Қашқадарё

Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозидан Турсун Рўзибоев бошлиқ бригадаси давлатга пахта топшириш бўйича дастлабки мажбуриятини бажарди. Тайёрлов пунктига 193 тонна қимматли ингичка толали пахта келтирилди. Ҳосилдорлик гектарига 34 центнерни ташкил этди. Бригада коллективи бу кўрсаткични 40 центнерга етказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ғузор районида қўл теримида «Дружба» совхозидан Марям Ёдгорова пешқадамлик қиляпти. У кунига камида 150 килограммдан пахта топширяпти. М. Ёдгорованинг ҳисобида 8,5 тонна пахта бор.

Наманган

Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозидан СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Шариповъ бошлиқ бригада деҳқонлари давлатга пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Тайёрлов пунктига 600 тонна «оқ олтин» жўнатилди. 200 гектар адир ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Азаматлар яна Ватанга 300 тонна пахта топширишга аҳд қилишди.

Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхозидан Иброҳимжон Аббосов ва Чор тоқ районидаги Навоий номли колхозидан Ураймжон Жумабоев бошлиқ бригадаларда гектаридан 35 центнердан ҳосил олиниб, дастлабки марра эгалланди.

Хоразм

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозидан Рўзимамат Аминов бригадаси пахтакорлари 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан «оқ олтин» олиб, мажбуриятни бажаришди. Азаматлар 60 центнерлик ҳосил учун ғурурланишмоқдалар.

Гурлан районидаги «Правда» колхозидан ака-ука Шариф ва Зариф Йўлдошевлар пахта йиғим-теримида аъло меҳнат қилишяпти. Улар ҳозиргача 400 тонна пахта теришди, ака-ука мавсум охиригача бу кўрсаткични 500 тоннага етказишмоқчи.

Областда бир район, 10 хўжалик, 340 та бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

Сурхондарё

Областда 7 хўжалик, 49 та бўлим, 485 та бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозида 13 октябрь куни илғор механик-ҳайдовчи Ҳайрулла Шаропов шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. У бир кунда тўрт қаторли агрегати бункеридан 18 тонна пахта бўшатди. Пешқадам механизатор мавсум бошидан буён 467 тонна пахта терди, унинг мажбурияти мавсумда 620 тонна пахта териш.

Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозидан Арабали Дўстмуродов, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозидан Кўчим Тоғаевнинг онлавий экипажи аъзолари ҳар куни 8—10 тоннадан пахта теряпти.

Қўл теримида Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозидан Қизларсара Рўзимуродова, Ленин номли совхозидан Дилором Эргашева, Шеробод районидаги «Гулистон» совхозидан Улашой Шоназарова, Шўрчи районидаги «Партия XXIII съезди» колхозидан Ғафур Рўзиевлар олдинда боришяпти. Улар кунига 160—200 килограммдан «оқ олтин» териб хирмонга барака киритишяпти.

Сирдарё

Гулистон районининг меҳнат ветеранлари ватанпарварлик ташаббуси билан чиқишди. 130 нафар пенсионер «Узбекистон», Навоий номли, Ленин номли колхозларда ҳосил йиғим-теримида қат нашяпти. Отахонлар ҳозиргача 30 тонна пахта теришди.

Навоий

Навбаҳор районида қўл теримида «СССР 60 йиллиги» совхозидан Хикоят Рўзиеванинг онлавий звеноси пешқадамлик қиляпти. Унинг ўзи ва икки қизи — Норбиби ва Шоиралар кунига 350—360 килограммдан пахта топширишяпти. Оила аъзолари ҳозиргача 15 тонна пахта теріб беришди, теримчилар яна 10 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олишга аҳд қилишди.

ҚҚАССР

Элликқалъа районидаги «Москва» совхозидан Тўхтабой Жуманиёзов бошқарувчилик қилаётган бўлим деҳқонлари пахта топшириш йиллик планини бажарди. Ҳар гектар қўриқ майдондан 45 центердан ҳосил олинди. Давлат омборларига 1.210 тонна пахта топширилди. Унинг 80 процента бункерлардан бўшатилган.

Тошкент

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз пахта топшириш бўйича давлат планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. 723 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» олинди. Бу ҳосилнинг 90 процента машиналарда териб олинди.

Андижон

—«Биз — ҳаммамиз пахтакормиз!» — Бўз мактабгача тарбия педагогика техникумининг талабалари райондаги «Партия XX съезди» совхози далаларида ана шундай шиор асосида меҳнат қилишяпти. Улар ҳозиргача қарийб 2 минг тонна «оқ олтин» теріб беришди. Айниқса, Нафиса Тожибоева, Иззатхон Исаева, Зуҳра Ҳамроқулова каби бўлғуси педагогларнинг ҳар бири кунига 130—140 килограммдан пахта теріб, юксак натижаларга эришяпти.

Бугун юрагида ўти, билагида кучи бўлган ҳар бир киши ўзини пахтакор деб билмоқда. Улар пешона тер тўкиб, қалб қўри билан етиштирилган «оқ олтин»имизни тезроқ йиғиб-теріб олишда пахтакорларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Бекобод районидаги «Далварзин» совхози территориясида яшовчи кексалик гаштини сураётган бир группа отахонлар ҳам совхоз заршуносларига ёрдам бериш мақсадида далада дур-жавоҳир термоқдалар.

Суратда: ҳашарчи отахонлардан А. Бойқўзиев, (ўнгдан) С. Ибобеков, С. Болтабоев, У. Тошматов, Ю. Эминов, П. Кравченко ва Ф. Эрматовларни кўриб турибсиз. Уларнинг ҳар бири кунига 25—30 килограммдан пахта теришмоқда.

М. Қорабеков фотоси.

ИККИ ШЕЪР

ЧАНОҚЛАР ШАЪНИГА

Бир дона чаноқни олиб, биродар,
Кўзингга сурт аста, кўз равшан тортар.
Дил қўйиб кўксингга боса олсанг гар,
Кўнгил ҳароратинг, ёнишинг ортар.
Чаноқлар шаънига қалб торин созла.
Созланган торларинг айтар сўзи бор.
Меҳрингни қўйгилу, ўпиб, эъзозла,
Унинг ҳам нитизор, муштоқ кўзи бор.
Ҳар чаноқ —бу менинг ўзимман асли,
Унда барча қувонч, барча дардим жам.
Ўсиб улгаяман меҳринг туфайли,
Мен парча қуёшман, нурпараст укам!
Ҳар чаноқ —беш панжам, унда оламга
Дурларим улашай дея шошаман.
Бойлигим барчаси бўлсин одамга,
Шодликдан чаноққа сиғмай тошаман.
Сендан илтимосим шуғдай аслида:
«Мени сев деб сени бағримга чорлай.
Мен —чаноқ, беш қирра юлдуз шаклида,
Азизим, кўксингда юлдуздай порлай!»
Сенинг кўксингни мен тоғ эта олгум,
Сенга атаб қўйган бойликларим кўп.
Бир умр сен билан дўст бўлиб қолгум,
Фақат мени суюб, лабга босиб ўп!
Мен чаноқ —беш қирра юлдуз шаклида...

ҚАЛБИМ ҚУШИҚЛАРИ

Қуёш нур тарайди юртим тонгида,
Оппоқ шуълаларда чўмилар қирлар.
Мен пахта деганда, кўзим ўнгида
Ястаниб ётади бепоён ерлар.
Бу кунги қўшиғу ашъор, ҳикоя
Чаноқлар жамолин куйласин шайдо.
Мен пахта деганда, энг баланд қоя
Хаёл кўзгусида бўлади пайдо.
Саратон тинига кўксини тутиб,
Дўлларга бошяланг туролган инсон,
Беихтиёр кўзим олдидан ўтиб,
Жилмаяди мағрур, пахта деган он.
Гар бевақт қопласа кўк юзин булут,
Қалбин тарк этади кулги-ю ханда.
Ва лекин енгилмас забардаст йигит
Пайдо бўлаверар, пахта деганда
Насибам бутлиги бағишлар ором,
Бир бурда нонимни тишлаб еганда.
Тўкин замонани ардоқлай мудом
Ўша нон ҳурмати, пахта деганда.
Мен пахта деганда, сонсиз кўчалар
Оппоқ шоҳларга ўралиб ётур.
Мен пахта деганда бедор кечалар
Қалбим қушиқларин бир-бир уйғотур!
Мен пахта деганда, йил бўйи меҳнат—
Қилиб чарчамаган одамлар ўтур.
Мардона курашда яратилган бахт,
Гурсиллаб ташланган қадамлар ўтур!
Мен пахта деганда, хаёлда ёниқ
Танти деҳқонлигим, ўзлигим ўтар.
Аҳдига вафодор, ниятн аниқ,
Очиқ қўл ва қатъий сўзлигим ўтар.
Мен пахта деганда, тушундим ҳар вақт
Тупроққа жон ато этган инсонни.
Тушундим ўзимни, сени ҳам, ўртоқ,
Тушундим қуёшли Узбекистонни!
Мен пахта деганда, кўзим ўнгида
Ястаниб ётади бепоён ерлар.
...Қуёш нур тарайди юртим тонгида,
Оппоқ шуълаларда чўмилар қирлар...

ТЎЛҚИН.

НАВБАТ— 60 ЦЕНТНЕРГА

Маълумки, шу йилнинг баҳорида республикамиздаги бир группа илғор бригада бошлиқлари СССРнинг 60 йиллигига 60 центнердан ҳосил етиштириш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ташаббускор бригадалар сафида бизнинг коллективимиз ҳам бор. Ваъда бергандан кейин уни бажариш керак. Ҳар қандай ташаббус амалда исботланмас экан, у ҳеч қачон қимматли ҳисобланмайди.

Бригадамиздаги 25 аъзонинг ҳар бири масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда меҳнат қилди. Мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Ҳар туп ғўзада ўртача 18—20 тадан бўлиқ кўсак бўлишига эришдик. Пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда киришилди. Бу йил, айниқса, пахтани тез ва сифатли териш шиоримизга айланган. Шу мақсадда илғор теримчиларимизга ҳам, механизаторларимизга пахта сифатига қараб мукофот бериб боряпмиз. Бу тадбир пахтанинг ҳом ва ифлос терилиши олдини олади.

Йиғим-терим ишларини ипатоволикларнинг «дала — бункер-прицеп-қабул пункти» усулида ташкил этганлигимиз муваффақиятлар гарови бўляпти. Айниқса, терилган пахталарни қабул пунктига пешма-пеш етказиб бериш йиғим-терим даврининг энг муҳим звеноси ҳисобланади. Бу борада ташаббус кўрсатиб ишлаган Комилжон Собиров, Ғуломжон Мадраҳимовларнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, улар пайкаллардан теріб олинган пахталарнинг бирор мисқолини ҳам ерга тўкилиб, ифлосланишига йўл қўймадилар. «Зангори кема» капитанларимиз — Муҳаммаджон Нишонов. Тожимат Рўзиматов, Қўчқорали Юнусовлар ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Терим машиналарининг бекор туриб қолишига йўл қўйилмаяпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига 8—10 тоннадан пахта терилаётир.

Дала шийпонимизда теримда иштирок этаётганлар учун ҳамма маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. Уларга саноат, хўжалик моллари ва озиқ-овқатларни дала шийпонининг ўзига етказиб бериб турибмиз. Энг муҳими, вақтдан унумли фойдаланиб, йиллик планни 15 иш кунида адо этдик.

Бригадамиз меҳнаткашлари дастлабки довондан ошдилар: Ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил олиниб, йиллик плани бажарилди.

Қабул пунктларига етказиб берган 350 тонна пахтамизнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида теріб олдик ва биринчи сортга топширдик. Лекин йиғим-терим суръатини бир дақиқа ҳам сусайтирганимиз йўқ. Айни кунларда ҳосилдорликни 40 центнердан оширдик. Лекин асосий марра ҳали олдинда. Пахтакорларимиз ўз ваъдаларига биноан 60 центнерлик хирмонни бунёд этиш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳали даламизда ҳосил кўп. Унинг бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай теріб оламиз ва СССРнинг 60 йиллик тўйига 60 центнерлик хирмонимиз билан борамиз.

Т. ХАЛИЛОВ,
Москва районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ДАЛА — ЛАБОРАТОРИЯ

Пахтанинг юқори сифатли бўлиши — Толибжон Камолов бошлиқ далаларида йиғим-теримининг асосий хусусиятидир. Бригада социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажариб, қўриқ ерининг ҳар гектаридан 40 центнер «оқ олтин» йиғиштириб олди. Бутун пахта биринчи сортга топширилди.

Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Камолов «Фарғона» совхозида шу хўжалик ташкил этилган дастлабки кундан бўён ишлайди. У Андижон областининг Балиқчи районидан қўриққа келган эди. Мирзачўлнинг бу ерларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилаётган экан, бунда Камоловнинг ҳам хизмати каттадир.

— Биз ғўзанинг ўнлаб навларини синаб кўрдик, дейди бригадир. — Лекин Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперименталь биологияси илмий-тадқиқот институти яратган «Оқолтин» нави менга ҳамма навлардан кўра ёқиб тушди. Бу — истиқболли навдир. Бу йил биз совхоз далаларининг ярмига ана шу навни эндик.

Бригадир мамнун, чунки ўз ерларида биринчи марта етиштиришга тўғри келган нав юқори сифатли мўл пахта ҳосил берди. Бригада ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 50 центнерлик хирмон кўтариш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Бу — бригаданинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тухфаси бўлади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Республикамизнинг бошқа жойларида бўлганидек, «Олтин водий» деб ном олган бизнинг Фарғона областимизда ҳам пахта йиғим-терими бошланиб кетганига анча бўлиб қолди. Ҳозирги долзарб кунларда областимизнинг қайси бир райони, хўжалигида бўлманг, «оқ олтин» ижодкорларининг не-не елибюгуришлар, меҳнатлар эвазига етиштирилган дур-жавоҳирни тезроқ йиғиб-теріб олиш йўлида жонбозлик кўрсатаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай кезларда теримчи ва механизатор, ҳашарчи ва ишчилар ҳузурида тез-тез бўлиб уларга медицина хизмати кўрсатишни шифокорларимиз ўзларининг муқаддас бурчи деб биладилар.

Кейинги пайтларда дала шийпонларининг санитария-гигиена ҳолатини нормаль ҳолга келтириш, уларни чинакам оромгоҳларга айлантириш меҳнаткашларга медицина ёрдами кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

КПСС Марказий Комитети май Пленуми ва КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Аҳоли соғлиғини сақлашни яхшилашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорларидан руҳланган областимиз медицина ходимлари дала меҳнаткашларига кўрсатилаётган медицина хизматини тубдан яхшилаш борасида қўшимга тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ана шу мақсадда область соғлиғни сақлаш бўлими пахтакорларга кўрсатилаётган медицина хизматини уюштирувчи махсус штаб ташкил этди. Ушбу штабга область даволаш-профилактика муассасаларининг раҳбарлари, бош мутахассислар, тажрибали шифокорлар, санитария-эпидемиология станциясининг етук мутахассислари жалб этилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, мазкур штабнинг ҳар бир аъзоси районларга бириктиб қўйилди. Улар хўжаликларда дала меҳнаткашларига кўрсатилаётган медицина хизматини яхшилаш тадбирларини белгиламоқдалар ва бу ишга бевосита раҳбарлик қилмоқдалар.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг даъвати билан пахтакорларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш учун малакали мутахассислардан ташкил топган 14 та бригада, 120 нафар врач ва ўрта медицина ходимлари областимиз районларига жўнаб кетдилар.

Юқорида таъкидланганидек, етакчи мутахассислардан ташкил топган бригадалар айни кунларда областнинг барча хўжаликларида бўлишиб, дала шийпонларининг санитария ҳолати, меҳнаткашларга яратилган мавжуд шароит, болалар муассасалари ишлари билан яқиндан танишяптилар. Айни пайтда деҳқонлар саломатлигини сақлаш ишларини яхшилаш юзасидан тегишли маслаҳатлар ва кўрсатмалар бермоқдалар. Шунингдек, жойларда малакали медицина ёрдами кўрсатмоқдалар.

Дала шийпонларидаги кўчма аптечкаларни дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Санитария постлари ташкил этиш, санбюллетенлар ва медицина мавзуларида савол-жавоб варақалари чиқариш, Қизил Яримой жамияти активларини тайёрлаш ва улар фаолиятини яхшилаш, кўчма медицина пунктларининг ишини ташкил этишда қишлоқ медицина ходимларига малакали мутахассислардан ташкил топган бригада аъзолари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Пахтакорларга қулайлик яратиш, уларга бевосита даланинг ўзида малакали медицина хизмати кўрсатиш мақсадида 67 та кўчма врачлик амбулаториясі ташкил этилиб, махсус санитария автотранспортлари бириктирилди.

Айни чоғда 18 та кўчма дорихона шу кунларда пахтакорлар хизматида.

Ҳозирги кунда областимиз қишлоқларида 573 та фельдшер-акушерлик пункти, 62 та қишлоқ врачлик амбулатория, 26 та қишлоқ участка шифохонаси дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Санитария маорифи ходимларининг махсус агитмашиналари дала шийпонларида бўлиб, касалликларнинг олдини олиш хусусида тарғибот ишларини олиб бормоқдалар ва медицина мавзуларида кинофильмлар намойиш қилмоқдалар. Бундай ишлар дала шийпонларида, пахтакорларнинг дам олиш пайтларида олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, махсус штаблар областимизнинг барча районларида ҳам ташкил этилган. Ҳар бир дала шийпони, мавсумий болалар боғчаларига медицина ходимлари бириктиб қўйилган. Пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, уларга сидқидилдан намунали тиббий хизмат кўрсатаётган медицина ходимларимиз кўпчиликни ташкил этади. Область шифохонасининг врачи В. Шарафутдинова, область кўз касалликлари диспансерининг бош врачи Ц. Коротке, Қўқон шаҳар туғруқхонаси бош врачи ўринбосари, тажрибали мутахассис Р. Шестакова, область соғлиқни сақлаш бўлимининг бош акушер-гинекологи Д. Салихова, Фарғона шаҳридан педиатр Г. Беревочкина, Бувайда районидан врач А. Жалилов, Узбекистон районидан А. Солижонов, олтиариқлик акушер-гинеколог Ҳ. Абдуллаева, Фарғона районида врач-педиатр Ш. Ҳакимовлар ана шулар жумласидандир.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда областимизнинг аҳдига вафодор пахтакорлари 600 минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратишга бел боғлаб, далаларда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Медицина ходимлари эса қишлоқ меҳнаткашларига тиббий хизмат кўрсатишни даврмиз талаблари асосида такомиллаштириш ва бу борада зарур тадбирларни амалга оширавериш билан улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш ишига ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

А. ЖУРАХУЖАЕВ,
Фарғона область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

ТОШКЕНТДА ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ XI МАЖЛИСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республикамиз пойтахти — Тошкент турли халқаро анжуманлар, кенгашлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказиладиган шаҳарлар жумласидандир.

Суратда: Тошкентда ўтаётган Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлиси қатнашчиларининг бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

МАҚСАДИМИЗ ТИНЧЛИК

Л. ПАСТЕРНАК,
АҚШ, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг БМТдаги вакили

Биз Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми мажлисида миллий антиимпериалистик кучларнинг Африка озодлиги учун бирдамлик ҳаракати вали сифатида қатнашяпмиз. Ташкилотимизнинг вазифаси — Америка Қўшма Штатлари кенг жамоатчилигини колониализмга, империализмга қарши курашга, Жанубий Африка халқларининг иркчилик, миллий озодлик учун курашини қўллаб-қувватлашга сафарбар этишдан иборат. Шу мақсадда қаршилик кўрсатиш ва им зо тўплаш кампанияларини ташкил этамиз. Сўнгги ана шундай кампанияда Жанубий Африкани колониализм зулмидан озод этишни талаб қилувчи юз мингдан кўпроқ имзо тўпладик. Шунингдек, жанубий африкалик қочоқларга ёрдам бериш учун ўн минг доллар маблағ жамгардик. Бизнинг ташкилотимиз жанубий африкалик касаба союзларга биринчилар қаторида ёрдам қўлини чўзди.

Айни пайтда биз Жанубий Африка Республикаси иркчиларига қарши имзо йиғиш кампаниясини бошлаб юбордик. Мақсадимиз камида бир миллион имзо тўплашдир.

Ташкилотимиз вазифаси Жанубий Африка Республикаси, Исроил ва Америка Қўшма Штатлари иркчилари ўртасидаги алоқаларни фош этиш, айниқса, ядро қуроллари борасидаги ҳамкорлиги, халқаро иркчиликнинг Америка Қўшма Штатлари ичидаги иркчилар билан алоқасини фош этиш, Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий бюджетларини қисқартириш, маданият ва санъат арбоблари орасида Жанубий Африка Республикаси иркчиларига хизмат қилиш учун «гастрол»га бориш дан бош тортишни пропаганда қилиш ниятида тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг XI мажлисида қатнашишимиз биз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Гап шундаки, мўътабар ва кўпсонли делегацциялар қатнашаётган бу мажлисда Жанубий Африка иркчиларига қарши курашаётган бошқа мамлакатларнинг ташкилотлари фаолияти билан танишамиз.

Мамлакатингизда биринчи марта бўлишим. Таассуротларим бениҳоя чексиз. Айниқса, чор Россиясининг чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистоннинг экономикаси, маданияти Совет ҳокимияти йилларида шу қадар равнақ топган республикага айланганлиги бизни ҳайратга солди. Ўзбекистон мисолида социалистик тузумда халқлар нималарга эришиши мумкинлигини яққол кўриб бўлади. Республикангиз меҳнаткашларининг меҳмондўстлиги, бошқа халқлар билан бирдамлиги, жаҳонда бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдириб, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларга ҳайрихоҳлиги мени қойил қолдирди.

Бевосита ўзимга келсам, спортчиман, енгил атлетика билан шуғулланаман. 1980 йилги Москва Олимпиадасида қатнашишни жуда истардим. Бироқ ҳаммага маълум бўлган сабабларга кўра келолмадим. Сизнинг мамлакатингизда спорт билан ҳамма шуғулланиши мумкин. Бизда эса фақат бойларгина бундай имкониятга эга. Ана шунинг ўзи ҳам социализмнинг буюк ғалабаси ҳисобланади.

МЕҲМОНДЎСТЛИК УЧУН РАҲМАТ

Н. ЦУЛТЭМ,
Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Монголия Халқ Республикаси комитетининг раиси

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиуми XI мажлисининг очилишида сўзлаган нутқида Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилоти фаолиятини чуқур таҳлил қилди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг нутқини эштиркамиз. Ўзбекистоннинг тикланиши, тенг ҳуқуқли қардош республикалар сафида социализмнинг буюк ғалабасига эришганини ўз кўзимиз билан кўргандек бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнади, халқи бахтиқолга эришди. Биз буни Монголияда бўлиб ўтган монгол-совет дўстлиги кунларида ташкил этилган турли мавзулардаги кўргазмаларда, халқ хўжалигининг тараққиёт рақамлари акс этган диаграммаларда кўрган эдик. Мана, энди Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг мажлисида қатнашиш учун бу ерга келиб, Ўзбекистон ҳақида эштиганларимизни ўз кўзимиз билан яна бир маротаба кўряпмиз.

Тошкентда биринчи марта бўлаётганим йўқ. Чин маънодаги дўстлик ва қардошлик шаҳрига айланган Тошкентни 1976 йилда илк бор кўргандим. Ўшандан бери беқиёс ўзгаришлар юз берганини кўриб, ҳайратга тушдим. Бирбиридан равон кўчалар, миллий архитектура анъаналари уйғунлашган замонавий биноолар, майдон ва ҳиёбонлар шаҳрингиз ҳуснига-ҳусн қўшибди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Ер юзидаги тинчликсевар халқларнинг бирлиги ва дўстлиги учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши муросасиз кураш олиб бормоқда. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти президиумининг Тошкентда ўтаётган XI мажлиси бу фикримизни яна бир маротаба исботлайди. Ана шу мажлисда жуда кўп мамлакатларнинг, шу жумладан Монголия Халқ Республикасининг раҳбари Ю. Цеденбалнинг табрик хати ҳам ўқиб эшитирилганлиги менда катта нифтихор туйғусини уйғотди. Мамлакатимиз ҳукумати бизнинг регионда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тинмай кураш олиб бормоқда.

Биз ҳаммамиз жаҳонда тинчлик бўлиши, халқларнинг осойишта ҳаёт кечиришини истаймиз. Бизга одамлар бошига қулфат келтирадиган қирғин урушлари керак эмас. Ҳар қандай ядро қуролларининг қўлланилишига қаршимиз.

Жуда катта байрам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида турган халқингизни чин қалбдан табриклайман. Бизларга меҳмоннавозлик кўрсатган, ўз яқинларидек кутиб олиб, турли қитъа вакилларинг эзгу ниятлар йўлида фикр алишуви учун имконият яратган ҳукуматингизга, халқингизга миннатдорчилик билдирамиз. Ҳаммаси учун катта раҳмат.

ҲАР ТЎҒРИДА

ГИБРАЛТАР БУҒОЗИ ОРҚАЛИ ТОННЕЛЬ

Марокко ва Испания ҳамда чет эллик экспертлар иштирокида Европа ва Африка қитъаларини Гибралтар бўғози орқали доимий транспорт алоқаси билан боғлаш муаммолари ўрганилмоқда. Хусусан, кўприк ёки тоннель қуриш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

«Матэн дю саара» газетасининг хабар беришича, Марокко — Испания аралаш махсус комиссиясининг аъзолари Гибралтар бўғози остидан бир-бирига параллел ҳолда учта тоннель, шу жумладан, темир йўл транспорти учун алоҳида йўл қуриш мақсадга мувофиқ қарор эканлиги ҳақидаги хулосага келдилар. Тоннеллар ҳар бирининг узунлиги 47 километр бўлади, унинг 26 километри сув остидан ўтади.

20 йилга давом этадиган бу мураккаб иншоот қурилишини 1985 йилдан бошлашга келишиб олинди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра у 1 миллиард долларга тушади. Бу ҳаражатлар тезда ўзини оқлайди, чунки ҳар йили бўғоз орқали 700 мингдан знёд йўловчилар, 4 миллион тонна юклар ташилади.

ПАРОВОЗНИНГ ИККИНЧИ «УМРИ»

Хизматини ўтаб бўлган эски паровозни «ҳаёт»га қайтариб, унга иккинчи «умр» бағишлаш учун 500 соатдан знёд ишчи вақти ва ярим тонна бўёқ сарфланди. Ҳозир у паровоз тортиб кетаётган пассажир составини Германия Демократик Республикасининг жанубидаги сайёҳларга хуш ёқадиган гўзал манзаралари трассаларда кўриш мумкин.

Айни пайтда паровозларни ремонт қилиш билан шуғулланадиган тўғарак аъзолари янги катта буюртма олишди: улар 1928—1932 йилларда қурилган паровоз ва вагонларни тиклаш ишларини олиб бормоқдалар. Қисқа вақт ичида бу тарихий поезд темир йўл транспорти ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмаларнинг биридан фахрли жойни эгаллайди.

СИЗ ҲАЛИ ҲАМ ЧЕКЯПСИЗМИ?

«Томоқ раки билан оғриган беморларнинг ўнтасидан тўққизтаси — кашанда!», «Кўп ҳолларда миокард инфарктнинг келиб чиқиш сабаби — кашандалик». Бу ўринда Швеция соцнал масалалар бошқармаси томонидан чекишга қарши тасдиқланган 16 та огоҳлантиришдан фақатгина иккитасини келтирдик, холос. Бу огоҳлантиришлар мамлакатда сотиладиган барча сигарета пачкаларининг устига мажбурий равишда ёзилади. Кашандалар сонини камайтириш мақсадида Швецияда авж олдириб юборилган кенг қўламдаги кампания ҳозирданоқ ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Кўплаб шведлар никотиннинг инсон саломатлиги учун зарарини тушуниб етмоқдалар ва чекишни ташлаштилар. Матбуотда келтирилган маълумотларга кўра, чекувчи эркаклар сони 1976 йилдагига нисбатан 11 процентга камайган.

(ТАСС).

СПОРТ

ШАХМАТЧИЛАР ОИЛАСИ

...Сирдарё областидаги «Малик» совхози спорт базаларида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига қарашли колхозлар, совхозлар ва бошқа ташкилотлар физкультура коллективлари спартакиадаси мусобақалари қизғин давом этарди. Айниқса, спартакиаданинг шахмат турнирида ғолиблик учун кураш турдан-турга кескинлаша борди. Икки группага бўлиниб баҳслашаётган бу ўйин иштирокчилари мусобақаси кўплаб ишқибозларни ўзига жалб этди. Мусобақа финалида Андижон области ва ҚҚАССР вакиллари ўзаро куч синашдилар.

Шуниси эътиборга лойиқки, қорақалпоғистонлик ёш шахматчиларнинг беш нафари бир оиладан эди: Гулнора, Мақсуда, Муборак, Назиржон ва Раҳматжон Раҳимовлар Амударё районидаги «Манғит» совхозидан бўлиб улар шахмат мусобақасида Автоном республика иккинчи ўринни эгаллашига катта ҳисса қўшишди. Шунингдек, спартакиаданинг энг ёш иштирокчиси ҳам шуларнинг бири — 9 ёшли Раҳматжон бўлди.

— Спартакиаданинг шахмат турнири чиндан ҳам кескин курашларга бой бўлди, — дейди шахмат мусобақаларининг бош судьяси В. Пак. — Айниқса, Қорақалпоғистон АССР терма командасидан опа-ука Раҳимовларнинг ўйинлари менга маъқул бўлди. Уларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга, чиройли комбинацциялар ўюштиришга ҳаракат қилади. Ёш шахматчилар саралаш учрашувларида ҳам, финал баҳсида ҳам яхши ўйинлар кўрсатишди....

Бекчон ака Раҳимовнинг совхоздаги агрономлик касбини «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти раҳбари советига тренерлик билан алмаштиргани кўпчилик ажабланганди. Уни фарзандларининг шахмата бўлган иштиёқи, спортга меҳр-муҳаббат шундай қилишга ундади. Мана, фарзандлари Автоном республика спорти шарафини ҳимоя қилиб, нафақат отанинг, ҳамюртларининг ҳам ишончини оқлашди.

Раҳимовлар оиласида шахматга бўлган қизиқиш жуда оддий бошланган. Бекчон ака фарзандларини бўш вақтларда шахмат ўйнашга ўргатди. Назиржон ва Раҳматжонлар ёш, зеҳнли эмасми, ота айтганларини тез орада илгаб, ўзлари мустақил ўйнайдиган бўлишди. Сўнгра қизлари ўрганишди. Шундай қилиб, оилада шахмат ўйнаш севимли машғулотга айланди. Улар кейинроқ мактабдаги ўзаро беллашувларда, турли кичик мусобақаларда қатнаша бошладилар.

Оила аъзоларининг шахмат турнирларида қўлга киритган ютуқлари талайгина. Дастлаб Назиржон билан Раҳматжонлар 1978 йилда мактабларо район спартакиадасида барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Кейинги йили мактаб ўқувчиларининг спартакиадасида улар биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлиги Раҳимовлар оиласига бир олам шодлик ҳадя этди.

1981 йилда В. И. Ленин номли республика пионер ташкилотининг «Оқ руҳ» пионерлар шахмат мусобақасида ака-укалар ҳам иштирок этишди. Унда Назиржон 1-тахтада биринчи, Раҳматжон 3-тахтада учинчи ўринни олди. Шунингдек, бу оиланинг тўрт аъзоси: Гулнора, Назиржон, Раҳматжон ва Муборакларнинг ўйинлари менга маъқул бўлди. Уларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга, чиройли комбинацциялар ўюштиришга ҳаракат қилади. Ёш шахматчилар саралаш учрашувларида ҳам, финал баҳсида ҳам яхши ўйинлар кўрсатишди....

Бекчон ака Раҳимовнинг совхоздаги агрономлик касбини «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти раҳбари советига тренерлик билан алмаштиргани кўпчилик ажабланганди. Уни фарзандларининг шахмата бўлган иштиёқи, спортга меҳр-муҳаббат шундай қилишга ундади. Мана, фарзандлари Автоном республика спорти шарафини ҳимоя қилиб, нафақат отанинг, ҳамюртларининг ҳам ишончини оқлашди.

Оила аъзоларининг шахмат турнирларида қўлга киритган ютуқлари талайгина. Дастлаб Назиржон билан Раҳматжонлар 1978 йилда мактабларо район спартакиадасида барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Кейинги йили мактаб ўқувчиларининг спартакиадасида улар биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлиги Раҳимовлар оиласига бир олам шодлик ҳадя этди.

1981 йилда В. И. Ленин номли республика пионер ташкилотининг «Оқ руҳ» пионерлар шахмат мусобақасида ака-укалар ҳам иштирок этишди. Унда Назиржон 1-тахтада биринчи, Раҳматжон 3-тахтада учинчи ўринни олди. Шунингдек, бу оиланинг тўрт аъзоси: Гулнора, Назиржон, Раҳматжон ва Муборакларнинг ўйинлари менга маъқул бўлди. Уларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга, чиройли комбинацциялар ўюштиришга ҳаракат қилади. Ёш шахматчилар саралаш учрашувларида ҳам, финал баҳсида ҳам яхши ўйинлар кўрсатишди....

Бекчон ака Раҳимовнинг совхоздаги агрономлик касбини «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти раҳбари советига тренерлик билан алмаштиргани кўпчилик ажабланганди. Уни фарзандларининг шахмата бўлган иштиёқи, спортга меҳр-муҳаббат шундай қилишга ундади. Мана, фарзандлари Автоном республика спорти шарафини ҳимоя қилиб, нафақат отанинг, ҳамюртларининг ҳам ишончини оқлашди.

Оила аъзоларининг шахмат турнирларида қўлга киритган ютуқлари талайгина. Дастлаб Назиржон билан Раҳматжонлар 1978 йилда мактабларо район спартакиадасида барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Кейинги йили мактаб ўқувчиларининг спартакиадасида улар биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлиги Раҳимовлар оиласига бир олам шодлик ҳадя этди.

1981 йилда В. И. Ленин номли республика пионер ташкилотининг «Оқ руҳ» пионерлар шахмат мусобақасида ака-укалар ҳам иштирок этишди. Унда Назиржон 1-тахтада биринчи, Раҳматжон 3-тахтада учинчи ўринни олди. Шунингдек, бу оиланинг тўрт аъзоси: Гулнора, Назиржон, Раҳматжон ва Муборакларнинг ўйинлари менга маъқул бўлди. Уларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга, чиройли комбинацциялар ўюштиришга ҳаракат қилади. Ёш шахматчилар саралаш учрашувларида ҳам, финал баҳсида ҳам яхши ўйинлар кўрсатишди.

Оила фарзандларини бўш вақтларда шахмат ўйнашга ўргатди. Назиржон ва Раҳматжонлар ёш, зеҳнли эмасми, ота айтганларини тез орада илгаб, ўзлари мустақил ўйнайдиган бўлишди. Сўнгра қизлари ўрганишди. Шундай қилиб, оилада шахмат ўйнаш севимли машғулотга айланди. Улар кейинроқ мактабдаги ўзаро беллашувларда, турли кичик мусобақаларда қатнаша бошладилар.

Оила аъзоларининг шахмат турнирларида қўлга киритган ютуқлари талайгина. Дастлаб Назиржон билан Раҳматжонлар 1978 йилда мактабларо район спартакиадасида барча учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Кейинги йили мактаб ўқувчиларининг спартакиадасида улар биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганлиги Раҳимовлар оиласига бир олам шодлик ҳадя этди.

1981 йилда В. И. Ленин номли республика пионер ташкилотининг «Оқ руҳ» пионерлар шахмат мусобақасида ака-укалар ҳам иштирок этишди. Унда Назиржон 1-тахтада биринчи, Раҳматжон 3-тахтада учинчи ўринни олди. Шунингдек, бу оиланинг тўрт аъзоси: Гулнора, Назиржон, Раҳматжон ва Муборакларнинг ўйинлари менга маъқул бўлди. Уларнинг ҳар бири мустақил фикрлашга, чиройли комбинацциялар ўюштиришга ҳаракат қилади. Ёш шахматчилар саралаш учрашувларида ҳам, финал баҳсида ҳам яхши ўйинлар кўрсатишди....

Бекчон ака Раҳимовнинг совхоздаги агрономлик касбини «Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти раҳбари советига тренерлик билан алмаштиргани кўпчилик ажабланганди. Уни фарзандларининг шахмата бўлган иштиёқи, спортга меҳр-муҳаббат шундай қилишга ундади. Мана, фарзандлари Автоном республика спорти шарафини ҳимоя қилиб, нафақат отанинг, ҳамюртларининг ҳам ишончини оқлашди